

## **«Интернет-банкинг» тизимидан фойдаланган ҳолда банк ҳисобварағини юритиш бўйича ҚЎШИЛИШ ШАРТНОМАСИ**

«Ориент Финанс» ХАТБ, бундан кейин Банк деб аталади, ва Корхона, бундан кейин Мижоз деб аталади, «Интернет-банкинг» тизимида банк ҳисобварағини юритиш бўйича шартномасини (кейинги ўринларда - Шартнома) унга қўшилиш йўли билан қабул қилишни, шартномага қўшилиш учун Ариза (кейинги ўринларда - Ариза), тақдим этиб, қўйидагича келишиб олдилар:

### **1. ХИЗМАТ МАЗМУНИ**

1.1. Банк Мижознинг имзо ва муҳр изи туширилган карточкасида кўрсатилган шахслар электрон рақамли имзо ёрдамида тўловларни амалга ошириш ва ҳисобварақдан кўчирма олиш учун банкка ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш имкониятини берувчи «Интернет-банкинг» тизими (кейинги ўринларда - Тизим) ёрдамида Мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатади.

1.2. Банк Мижозга тизимда қўйидаги турдаги хизматлар (кейинги ўринларда – Хизмат турлари)ни тақдим этади

1.2.1. Ахборот хизмати:

- Ҳисоб рақамларда айни пайтдаги қолдиқ маблағлар тўғрисида маълумот;
- Ҳисоб рақамлари бўйича кўчирма ва ҳисоботлар олиш;

1.2.2. Мижознинг тўлов топшириқномаларини ижро қилиш.

### **2. ТЕРМИНЛАР, ТУШУНЧА ВА ҚИСҚАРТМАЛАР**

#### **2.1. «Интернет-банкинг» тизими (Тизим) –**

мижоз ва банк ҳудудида ўрнатилган ҳамда мижоз ва банк томонидан тегишли қисмларга мувофиқ келишилган ҳолда бошқариладиган дастурий-аппарат воситалари мажмуи, шунингдек мижоз ва банк томонидан мижозга хизмат кўрсатиш мақсадида амалга ошириладиган ташкилий чора-тадбирлар. Тизим меъёрий-ҳуқуқий базадаги ўзгаришлар муносабати билан ҳамда мижозлар еҳтиёжларига энг тўлиқ мос келишини таъминлаш учун банк томонидан янгиланиши ва ўзгартирилиши мумкин. Тизим автоматик равишда, Мижознинг иштирокисиз, лекин тегишли тарзда хабардор қилинган ҳолда янгиланади. Ҳар қандай вақтда мижоз тизимнинг сўнгги версиясида ишлайди.

2.2. **ЭТҲ – электрон тўлов ҳужжат.**

2.3. **ЭТҲ мақоми** – Тизимда ЭТҲга ишлов бериш айни пайтда қайси босқичда эканлигини белгилаш.

2.4. **Мижоз фойдаланувчиси** – Мижоз номидан тизим ичида ишлаш ҳуқуқига эга бўлган ва тизимда рўйхатдан ўтган мижознинг ходими. Мижознинг фойдаланувчилари банкка йўлланадиган сўровнома, тўлов ҳужжатларини шакллантирадилар ва банкдан маълумот оладиган ва қайта ишлайдилан ҳамда мижоз номидан ЭТҲни электрон усулда имзолайдилар.

2.5. **Электрон рақамли имзо (ЭРИ)** – Мижознинг фақат ваколатли ходими (фойдаланувчи)да сақланувчи, ўтказилган маҳфий калит асосида шакллантириладиган ноёб муайян ЭТҲга мувофиқлаштириладиган ва ЭТҲни аутентификацияси (муаллифликни тасдиқлаш) ва уни яхлитлигини тасдиқлаш учун ишлатиладиган байтлар мажмуи. ЭТҲни шакллантиришда фойдаланиладиган реквизитлар рўйхати мазкур шартноманинг 3.2. бандида келтириб ўтилган.

2.6. **Мижознинг тўғри ЭРИси** – Мижознинг очиқ калитли ЭРИ билан текширилганда ижобий натижа берувчи Мижознинг ЭТҲсидаги ЭРИси.

2.7. **Мижоз ЭРИсининг маҳфий калити** – ЭРИ ҳуқуқига эга бўлган Мижознинг

фойдаланувчилари Мижознинг ЭТХини шакллантириш учун ишлатишга мўлжалланган калит (байтлар кетма-кетлиги)

2.8. **Мижознинг очик калитли ЭРИси** – Мижоз фойдаланувчисининг маҳфий калити билан боғлиқ калит (байтлар кетма-кетлиги). Очик калитли ЭРИ Мижоз фойдаланувчисининг ЭРИнинг маҳфий калитига мос келадиг ва Мижоз томонидан электрон тарзда имзоланган ҳужжат ЭРИсini текшириш учун албатта Банк тасарруфида бўлади.

2.9. **Мижознинг фаол(актив) очик калитли ЭРИси** – Банқда томонидан Тизимда рўйхатдан ўтказилган, Мижоз фойдаланувчиси томонидан айни пайтда тизимда ишлаш учун фойдаланиладиган Мижоз фойдаланувчисининг очик калитли ЭРИси. Исталган вақтда Тизимда мазкур Мижоз фойдаланувчисининг бир ортиқ бўлмаган актив очик калитли ЭРИси бўлиши мумкин.

2.10. **Фойдаланувчининг тизимдаги номи/исми** – Муайян Мижоз фойдаланувчи номини ифодалайдиган, Тизимда мазкур фойдаланувчини мос келиши ва унинг Тизимдаги ҳуқуқларини аниқлашга имкон берувчи очик кетма-кетлиқдаги белгилар.

2.11. **Фойдаланувчининг пароли** – Фойдаланувчининг ҳуқуқларига мувофиқ Мижознинг ресурсларига кириш учун Тизимга киришда тақдим этилаган Фойдаланувчининг тизимдаги номи ва ПИН билан USBга фойдаланувчининг шахси мос келишини тасдиқлаш имконини берадиган Мижоз фойдаланувчиси билан боғлиқ ва фақат унга маълум бўлган маҳфий кетма-кетлиқдаги белгилан.

2.12. **Шифрлар** – Маълумотларни (электрон ҳужжатларни) Мижоз ва Банк ўртасида алоқа линиялари орқали узатишда рухсатсиз ўқишдан ҳимоя қилишни таъминлаш.

2.13. **Тизимда ишлаш қоидалари** – Тизимнинг жорий версияси билан тўғри ишлашни тасвирлайдиган қофоз ёки электрон шаклдаги кўрсатмалар, процедуralар, тизим фойдаланувчиларининг функционал мажбуриятларини тавсифловчи жамланма. Қоидалар тизим версияларидаги ўзгаришлар туфайли ўзгариши мумкин.

2.14. **Мижознинг ресурси** – Мижоз ҳақида, мижознинг ҳисобварақлари, баланслари, айланмалари, тўлов ҳужжатлари, электрон почта, фойдаланувчилари, мижознинг ҳуқуқ ва профили тўғрисидаги банқда сақланаётган маълумотлар.

### 3. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

3.1. Тизимнинг Мижоз фойдаланувидаги қисми стандарт дастурий таъминотдан иборат бўлиб, қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) Қўйидаги конфигурациядаги шахсий компьютер: Intel Pentium 4, HDD 40 Gb, RAM – 1024 Mb, Flash (USB) порт - процессор (дан кам бўлмаган)

2) Ўн олти битли рангда минимал 800x600 нуқтали ўлчамни қувватловчи SVGA адаптерли рангли дисплей

3) Банк билан алоқа учун телефон тармоғи ёки мобиль алоқаси

4) Компьютерда ишлайдиган операцион тизим: *Windows 7* ёки ундан юқори

5) Ўрнатилган вирусга қарши (антивирус) воситаси (оҳирги янгиланишлар билан)

6) Microsoft Internet Explorer 9.0 ва ундан ёқори Интернет-браузер

7) Компьютерга уланган принтер

8) Интернетга фаол уланиш

3.2. Электрон тўлов ҳужжати учун зарур реквизитлар рўйхати:

a) Тўлов ҳужжат тури: *Тўлов топшириқномаси*

b) ЭРҲни шакллантиришда иштирок этувчи реквизитлар:

b) Ҳужжат рақами – 10 та белгигача (бошланғич ва якунловчи бўшлиқларсиз)

- г) *Тўлов санаси* – 8 та белги, Йил/ой/кун (YYYYMMDD) форматида
- д) *Мижоз ҳисоб рақами* – 20 та белги
- е) *Мижоз ҳисоб рақам МФОси* – 5 та белги
- ж) *Вакиллик ҳисоб рақами* – 20 та белги
- з) *Вакиллик ҳисоб рақами МФОси* – 5 та белги
- и) *Вакил (корреспондент) номи* – 60 та гача белги (бошланғич ва якунловчи бўшлиқларсиз)

к) *Тўлов суммаси* – 19.2 форматда 19 та белги (знак) ((бошланғич ва якунловчи бўшлиқларсиз, 1 сўмдан кам бўлган сумманинг бутун қисмига 0 киритиш лозим)

- л) *Тўлов мақсади* – 140 та белгигача (бошланғич ва якунловчи бўшлиқларсиз)

### 3.3. Томонлар тан оладилар:

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандартлари (O'z DSt стандарти) мувофиқ ишловчи электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни узатиш учун Тизимда фойдаланиладиган усули;

- Электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжат ўзбошимчалик билан ўзгартирилса, ЭРИ нотўғри бўлади, яъни ЭРИ текшируви салбий натижа беради;

- Мижознинг ЭРИсини қалбакилаштириш, мижоз номидан электрон ҳужжатнинг тўғри электрон рақамли имзосини Мижознинг ёпиқ калитли ЭРИсини билмай туриб яратишнинг иложи йўқ;

- Мижознинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжатлар мижознинг раҳбари томонидан имзоланган ва мижознинг муҳр изи акс этган қоғоз шаклдаги тегишли ҳужжатларига тенг ҳисобланади. Мижознинг ЭРИси билан имзоланмаган Электрон ҳужжатлар банк томонидан кўриб чиқилмайди ва ижро этилмайди. Бунда электрон ҳужжатлар устунликка эга бўлиб, қоғоз шакли билан фарқланса, қоғоз шакли Мижоз томонидан тузатилиши лозим;

- Низоли ҳолатлар юзага келганда уларни Техник экспертизадан ўтказиш тартибига мувофиқ ҳал этиш учун Мижоз томонидан электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда Банк тизимида шакллантирилган электрон ҳужжатлар далилий ашё сифатида фойдаланилади. Низомли ҳолатлар юзага келганда электрон рақамли имзога эга бўлмаган электрон ҳужжатлар далилий ашё сифатида фойдаланилмайди;

- Мижознинг раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқланган Очик калитли ЭРИ гувоҳномасида кўрсатилган Мижознинг очик калитли ЭРИси мижозга тегишилдир.

- Тизимда ишлашнинг ягона вақт ўлчов шкаласи сифатида Тошкент вақт минтақаси қўлланилади. Назорат вақти бўлиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг аппарат воситалари тизим соати ҳисобланади.

## 4. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

4.1. «Интернет-банкинг» тизимида ҳисобвараққа хизмат кўрсатганлик учун Мижоз Банк Тарифларига мувофиқ ҳақ тўлайди.

4.2. Тўлов мижоз томонидан ҳисобот ойидан кейинги ҳар ойнинг 10-кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 5.1. Банк қуидаги мажбуриятларга эга:

5.1.1. Мижознинг очиладиган калитли ЭРИсини яратиш;

5.1.2. Калитлар (Очиқ калитли ЭРИ ва маҳфий калитли ЭРИ)ни Мижозга, яъни бевосите ваколатли шахс (биринчи имзо ҳуқуқига эга раҳбар)га ePass ёки

iKey (USB калит) ташувчилар (носитель)ида топшириш-қабул қилиш далолатноси (Шартноманинг 1-сонли иловаси)ни имзолаган ҳолда тақдим этиш;

#### **5.2. Банк қуийдаги ҳуқуқларга эга:**

5.2.1. Агар мижоз маҳфий ва тегишли очиқ калитли ЭРИ амал қилишини бекор қилиниши ҳақида ёзма хабарнома тақдим этса, Мижознинг тизимдаги фаол очиқ калитли ЭРИсини учирин;

5.2.2. Агар мижознинг ЭРИ калитлари бузилган/қалбакилаштирилган деб гумон қилинса ёки имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати ўзгартирилса, Мижозни огоҳлантирмасдан, Мижознинг фаол очиқ калитли ЭРИсини блоклаш ва Мижоздан ЭРИ калитлар жуфтлигини ўзгартиришни талаб қилиш;

5.2.3. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш ҳамда хавфни камайтириш мақсадида:

- мижоз амалга оширган операцияларнинг қонунийлигини ёзма равища баён этгунига қадар тизим орқали мижозга хизмат кўрсатишни тўхтатишга ва агар Мижоз тизим ёрдамида шубҳали операциялар амалга оширилганлиги аниқланса, Тизим орқали хизмат кўрсатишни рад этишга ҳақли;

- мижозни жойлашган жойи бўйича (почта манзили) текширишга, шу жумладан тизим ёрдамида шубҳали операциялар ўтказилганлиги ҳақида гумон мавжуд бўлса, операцияларни амалга ошириш жараёнини ўрганишга ҳақли;

- Тизим орқали шубҳали операциялар амалга оширилган тақдирда, тизим орқали мижозга хизмат кўрсатишни З банк иш кунигача бўлган муддатга тўхтатиб қўйиш;

- Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш мақсадида бундай хизматлардан фойдаланиш бўйича асосли гумонлар мавжуд бўлса, тизим бўйича хизмат кўрсатишни тўхтатиш.

5.2.4. Тўловни ўтказиш вақти якунлангунга қадар тўлов кунида Мижознинг ҳисобварагида тўловни амалга ошириш учун маблағ етарли ёки мавжуд бўлмаса, Мижоз томонидан тизим орқали банкка юборилган электрон тўлов топшириқномаларини қабул қилмайди ва рад этади.

#### **5.3. Мижоз қуийдаги мажбуриятларга эга:**

5.3.1. Калитлар (очиқ калитли ЭРИ ва маҳфий калитли ЭРИ)ни шахсан (шахсан ташкилот раҳбари) банқдаги олиш;

5.3.2. Тизимнинг ишлаши учун нормал шарт-шароит яратиш, хусусан, шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган минимал дастурий-техник талабларни сақлаш;

5.3.3. Тизимда фойдаланиладиган пароль ва маҳфий калитли USB калитни сир сақлаш ва учинчи шахсларга бермаслик;

5.3.4. Тизимга рухсатсиз киришга уриниш ёки ЭРИ калитларни ўйқотилганлик/шикат етказганлик ҳолатлари ҳақида дарҳол бир иш куни ичida Банкни ёзма равища хабар бериш;

5.3.5. Банкнинг амалдаги тарифларига мувофиқ ўз вақтида банк хизматлари учун ҳақ тўлаш.

#### **5.4. Мижоз қуийдаги ҳуқуқларга эга:**

5.4.1. Фаол очиқ калитли ЭРИни муддатидан олдин бекор қилиш ва Банкни ёзма равища Мижознинг маҳфий ва унга мувофиқ очиқ калитли ЭРИсини бекор қилиш тўғрисида хабардор қилган ҳолда фаол очиқ калитли ЭРИни блоклаш;

5.4.2. Мижоз раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган аризасига мувофиқ Мижоз ЭРИ калитлар жуфтлигини янгидан тайёрлашга сўров жўнатиш ёки

калитларни қайта генерация қилишга электрон сўров йўллаш;

5.4.3. Тизимида ўз ишини вақтинча ўчириб қўйиш(блоклаш)ни ёзма сўров асосида амалга ошириш.

5.5. Банк мижознинг тизим орқали йўллаган ҳужжатларини соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қиласди.

5.6. Мижоз томонидан жорий иш куни бўйича юборилган ҳужжатлар 15:00 гача банкка тақдим этилиши ва тўлов ҳужжатининг “ҳужжат санаси” майдонида жорий иш куни санаси кўрсатилиши керак. Агар ҳужжатлар Банк томонидан 15:00 дан кейин қабул қилинган бўлса, Банк қабул қилинган ҳужжатлар бўйича операцияларни бажаришни рад этиш ҳуқуқига ега.

## **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Банк Мижознинг маҳфий калитли ЭРИсидан учинчи шахслар ёки кириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан фойдаланилиши (мижозлар ЭРИ калитини йўқотиши, паролларни узатиш ва бошқалар), шунингдек Мижознинг 5.3.4-банд бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида Мижозга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

6.2. Агар Мижоз маҳфий калитни ўз ичига олган «IKEY»/«ePass» электрон ташувчи(носитель)ни йўқотся ва/ёки зарар етказса, Мижоз томонидан Мижоз ва Банк ўртасида имзоланган қабул қилиш-топшириш далолатномасида назарда тутилган миқдорда ҳақ тўланади.

6.3. Тизимдан фойдаланганиш давомида Мижоз ва Банк ўртасидаги низолар келиб чиқсан тақдирда, Томонлар низоли ҳолатлар юзага келганда техник экспертизани ўтказиш тартиби (Шартноманинг 8 бўлими)га мувофиқ низоларни кўриб чиқишида иштирок этиш мажбуриятини оладилар, ушбу бўлимда кўрсатилган қоида талабларига риоя қиласдилар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

## **7. МИЖОЗНИНГ ҲИСОБВАРАҒИНИ ЙОРИТИШ ТАРТИБИ**

7.1. Мижознинг шахсий ҳисобварағидан кўчирма кейинги куни шакллантирилади. Мижоз банкка тизим орқали тақдим этган тўлов ҳужжатларини бажаришни давом эттиришга кўрсатма беради.

7.2. Тўлов топшириқномасини олишда Банк мижознинг ЭРИси тўғрилигини текширади, ҳужжат реквизитлари тўғри тўлдирилганлигини текширади ва мижознинг жорий ҳисобварағида дебет қолдиги бор-йўқлигини текширади. Агар тўлов ҳужжатларини тайёрлаш бўйича меъёрий ҳужжатлар талабларига номувофиқликлар, ноаниқликлар ёки зиддиятлар топилса, Банк уларни қабул қиласлиқ ҳуқуқига эга.

## **8. НИЗОЛИ ҲОЛАТЛАР ЮЗАГА КЕЛГАНДА ТЕХНИК ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

8.1. Низоли ҳолат – бу «Интернет-банкинг» тизимининг тегишли техник воситалари ёрдамида тўғрилиги Мижознинг ваколатли вакили (фойдаланувчиси) томонидан муаллифлаштирилмаган ЭТҲни Банк томонидан Мижознинг номидан экспертизадан ўтказиш, шунингдек Банк томонидан ЭТҲни сабаб кўрсатмаган ҳолда ўтказмаслигиги билан боғлиқ Мижознинг Банкка бўлган норозилиги. Норозилик талаблари аниқ ўрнатилиши ёки ЭТҲни Мижознинг ЭРИсини текшириш натижасига кўра рад этилиши мумкин.

8.2. Бундай ҳолатда Мижоз «Интернет-банкинг» тизимидаги Банк учун ҳисобварақ бўйича операцияни амалга ошириш учун асос бўлган ёки мавжуд бўлмаганда ҳисобварақдан ҳақиқатда пул ечилиши содир бўлган ЭТҲни

кўрсатган ҳолда асосий норозилик талаблари акс этган ариза билан Банкка мурожаат қиласди. Банк мижознинг ҳисобварағидан пул маблағлари ечилган пайтдан икки иш куни ичида мижознинг норозилик аризасини қабул қиласди. Мижознинг норозилик аризаси кўриб чиқилиш даврида Мижознинг «Интернет-банкинг» тизимидағи иши Банк томонидан блокланади.

8.3. Банк Мижознинг аризаси тақдим этилган кундан еътиборан беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда аризани кўриб чиқиш учун низони кўриб чиқиш комиссиясини тузиши шарт. Комиссия таркибига Мижоз вакиллари (мижоз танловига кўра), Банк вакиллари (банк танловига кўра) ва зарур ҳолларда мустақил эксперталар киритилади. Комиссия аъзоларини танлаш барча иштирокчилар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

8.4. Ҳужжат бўйича низоларни ҳал қилиш учун Мижоз банкка тегишли техник мутахассис, шунингдек ҳужжатларнинг юридик аҳамиятини тасдиқловчи мижознинг ваколатли фойдаланувчиси (авторизатор) билан бирга келиши керак. Мижознинг фойдаланувчиси ўзи билан ЭРИ воситасини олиб келиши керак.

8.5. Низони кўриб чиқиш комиссияси томонидан низони кўриб чиқишнинг натижаси, кўриб чиқилаётган ҳужжатда Мижознинг электрон рақамли имзосининг ҳақиқийлиги бўйича хуносасига кўра жавобгар томонни аниқлашдан иборат.

8.6. Низони кўриб чиқиш комиссияси аризани кўпи билан беш кун муддат ичида кўриб чиқади. Аризани кўриб чиқиш қуидаги босқичлардан иборат:

8.6.1. Низони кўриб чиқиш комиссияси Мижознинг норозилик аризасини техник экспертизадан ўтказади.

8.6.2. Рухсат этилмаган тарзда пул маблағини ечиш ҳолларда:

- Тизимда низоли ҳужжатга мос келадиган транзация (ўтказма) мавжудлигини текширади. Агар кўрсатилган транзакция (пул маблағини ечиш ҳолати мавжуд бўлмаса) мавжуд бўлмаса, Мижознинг норозилик аризаси автоматик тарзда ечилади.

- Агар кўрсатилган транзакция Банк тизимида аниқланса, тегишли ҳужжат (электрон ёки асл тўлов ҳужжати) мавжудлиги текширилади. Бундай ҳужжат мавжуд бўлмаса (ҳисобдан чиқариш учун асос) Банк мижозни ҳисобварағидан рухсатсиз ечилган суммани белгиланган тартибда қоплади.

- Агар асл тўлов ҳужжати топилса, мижознинг норозилик аризаси автоматик равишда ечилади.

- Агар тўлов ҳужжатининг асли мавжуд бўлмаса, «Интернет-банкинг» тизимида электрон ҳужжат мавжуд бўлса, ушбу электрон ҳужжатнинг ЭРИси тўғрилиги таҳлил қилинади.

8.7. Низони кўриб чиқиш комиссияси Мижознинг ЭТХдаги ЭРИсини техник экспертизадан ўтказади, яъни:

- Банк мазкур ЭТХига мувофиқ келувчи ЭРИни тақдим этиши мумкин;

- Агар ЭРИ мавжуд бўлса, ҳужжатни имзолаган Мижознинг фойдаланувчиси аниқланади;

- Агар бундай фойдаланувчи аниқланса, мазкур фойдаланувчининг тегишли гувоҳномаси (сертификат) ва «Интернет-банкинг» тизими ахборотлар базасидан фаол очиқ калитли ЭРИси қидирилади;

- Белгиланган фаол очиқ калит аниқланганда, ЭТХ(низоли)га тегишли ЭРИ текширилади.

Агар ЭРИ тасдиқланса Мижознинг норозилик аризаси автоматик тарзда ечилади;

8.8. Техник экспертиза асосида низони кўриб чиқиш комиссияси далолатнома тузади.

8.9. Агар низони кўриб чиқиш комиссияси томонидан Мижознинг ЭРИси тўғри эканлиги ва фаол очиқ калитли ЭРИ Мижозга тегишли эканлиги тасдиқланса, Банк Мижоз олдида унинг низоли ЭТХси бўйича жавобгар бўлмайди

## **9. БОШҚА ШАРТЛАРИ**

Ушбу шартномада назарда тутилмаган томонлар ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади. Ушбу шартномага барча қўшимчалар унинг ажralmas қисми ҳисобланади.

«Интернет-банкинг» тизимидан фойдаланган ҳолда  
банк ҳисобварағини юритиш бўйича  
Қўшилиш шартномасига  
1-сонли Илова

## Топшириш – қабул қилиш ДАЛОЛАТНОМАСИ

«Ориент Финанс» ХАТБ, кейинги ўринларда «Банк» деб юритилади,  
даги \_\_\_\_\_-сонли Ишончнома асосида иш юритувчи  
тимсолида, бир томондан ва  
\_\_\_\_\_, кейинги ўринларда «Мижоз» деб  
юритилади, \_\_\_\_\_ (Устав ёки бошқа ҳужжат) асосида иш  
юритувчи \_\_\_\_\_ иккинчи томондан, қуйидаги Топшириш –  
қабул қилиш далолатномасини қўйидагилар ҳақида туздилар:

1. Банк Ахборот технологиялари сектори ходими тимсолида, вақтингачалик фойдаланиш учун «ePass» / «IKEY» (керакли танланади) (S/N \_\_\_\_\_) Электрон калитларини топширади, Мижоз эса ушбу калитларни мазкур шартномадга мувофиқ ундан фойдаланиш ва ишлатишнинг барча шартларига амал қилган ҳолда қабул қиласди. Мижоз Маҳфий калитли электрон калитни йўқотганда ва/ёки шикаст етказганда, Банк \_\_\_\_\_ сўм миқдорида ҳақ ундиради.
2. Банк ходими Мижознинг техник воситаларига «Интернет-банкинг» тизимини ўрнатди ва дастурий таъминот созламаларини амалга оширди.
3. Банк электрон ЭРИ калитини ишга туширишни амалга оширди.
4. Мижоз «Интернет-банкинг» тизими орқали ахборот олиш ва узатиш бўйича синов сессияларини ўтказди.
5. Мижоз ЭРИ ёрдамида электрон тўлов ҳужжатларини синов тарзда муваффақиятли ўтказди.
6. Мижоз «Интернет-банкинг» тизимида ишлаш шартлари, қоидлари ва усуллари бўйича ўқувдан ўтказилди (тақдим этилган ҳужжатларни ўқиб чиқиб ёки банк вакили томонидан ўқитилган).
7. Мижоз «Интернет-банкинг» тизимида уланган вақтдан бошлаб мазкур шартномага мувофиқ «Интернет-банкинг» тизими орқали узатиладиган барча электрон тўлов ҳужжатлари юридик кучга эга бўлади.

Мазкур далолатнома икки нусхада ҳар бир томон учун бир нусхадан тузилди.

«Банк»

Бошлиқ/Бошқарувчи

Ахборот технологиялари сектори

«Мижоз»

Раҳбар